



Ислom Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй инсонлар, Парвардигорингиздан кўрқингиз! Зеро (қиёмат) соати (олдидаги) зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унутар ва барча ҳомиладор (аёллар) ўз ҳомиласини ташлаб юборар, одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир» (Ҳаж: 1,2).

«Бас, агар сизлар кофир бўлсангизлар (ўз даҳшати билан) болаларни(нг сочларини оқартириб) чолларга айлангириб қўядиган Кун(нинг азоби)дан қандай сақланурсизлар!» (Муззаммил: 17).

□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□
:□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□
□□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□»
□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□
□□□□□ □□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□
□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□
□□□□ □□□□) «□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□».

Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни қуёш халқларга жуда яқин келтирилади, ҳатто бир мил миқдорида қилинади. Шунда одамлар амаллари миқдорига қараб тер ичида бўладилар. Баъзилари тўпикларигача, баъзилари тиззаларигача, баъзилари белларигача (терга ботади), айримларини тер юганлаб олади», шундай деб



Ислом Нури

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан оғизларига ишора қилдилар (Имом Муслим ривояти).

«...» :...» «...» «...»

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тер қиёмат куни ерда етмиш қулочгача кетади, у одамларнинг оғизларигача ёки қулоқларигача – ровий шак қилган – етади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат кунининг даҳшати буюк, машаққати оғир, у куни одамларга қаттиқ қийинчилик етади, қуёш яқин келтирилади, амалларига қараб терга ботадилар, тер ерда узоқ масофаларга етади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Қиёмат кунининг даҳшати оғирлиги;
2. Қуёш одамларга жуда яқин келтирилади, улар қаттиқ терга ботадилар;
3. Тер ҳар бир кишининг амалига қараб тўпиғидан тортиб оғзигача етади.